

Дунёда шаҳарлар кўп, бири-биридан зиёда. Пойтахтимизни ана шундай бетакрор шаҳарлардан бири деб айта оламиз. Бир неча йил аввал Тошкентга келган одам бугун шаҳарни танимаслиги аниқ. Замоनावий шаҳарлар қаторидан жой олаётган шаҳримизда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган уйлар ва маҳаллалар ўрнида янги, ҳашаматли, осмонўпар бинолар қад кўтармоқда.



Мамлакатимизда сўнгги икки-уч йилда амалга оширилган ишларнинг сарҳисобига назар ташлаган кишининг дили қувнайди. Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизнинг янги қиёфасини яратишга қаратилган "Tashkent City" маркази қад кўтармоқда.

"Tashkent City" халқаро бизнес маркази бунёд этилиши билан пойтахтимиз замонавий меъморий қиёфаси орқали ҳам жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари қаторидан муносиб ўрин эгалаётганини фахр билан айтишимиз мумкин.

Курилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши бўйича дирекция ташкил этилди.

"Tashkent City" маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқлари, архитектура, муҳандислик ва дизайнерлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятини яққол муъассас этилди.

Кўплаб савий-харакатлар натижасида республикамиз тажрибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги лойиҳа амалга оширилмоқда. Курилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этиши ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиб, келажакда пойтахтимиз мисли кўрилмаган даражада ўзгаришини кўз олдимиға келтириб, қувондим.

"Tashkent City" халқаро ишбилармонлик маркази лойиҳаси "ARUP"

(Буюк Британия), "Tabanlioglu" (Туркия), "DPArchitects" (Сингапур) ва бошқа етакчи халқаро компанияларнинг жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилган. Худудда қад ростлаган дастлабки объектлардан бири беш юлдузли меҳмонхона ва "Конгресс холл" хисобланади.

Пойтахтимиз кўрқига-кўрк қўшади-ган марказ худудидидаги 80 гектар майдонда бизнес марказ, саноят

нинг бир-бирига ўхшамайдиган алоҳида кўринишга, ўзига хос қиёфага эга бўлади. Улар энг замонавий архитектура дизайни билан шарқ, миллий, қадимги ислом меъморчилиги намуналарини ўзида акс эттиради.

Яқиндагина очилган "Tashkent City" паркида сайр ва дам олиш майдони, суний ҳовуз ва атрофида кўркам ресторанлар қурилди. Халқаро стандартлар асосида жиҳозланган планета-

монавий масканлар барпо этилмоқда.

"Tashkent City" маркази мамлакатимизда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошланганини кўрсатади. Нафақат юртимиз балки, Марказий Осиёда янги, замонавий қурилиш технологиялари асосида барпо этилаётган "Tashkent City" кўркамлиги билан дунёнинг энг гўзал шаҳарлари билан бўйлаша олади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки республикамиз бўйлаб қад кўтарилган турар жой бинолари, ишбилармонлару тadbirkorлар марказлари, технопарклар, "Обод кишлок", "Обод маҳалла" дастурлари асосида қуриладиган, таъмирланаётган гузар ва кишлоклар, янги маданият ва истироҳат бoғлари эртанги кунимиз поллок эканидан дарак беради. Бунда Президентимизнинг кўрсатмалари, одамларнинг қалбига қулоқ тутаётгани, ҳеч кимдан кам бўлмаслик йўлида қиладиган савий-харакатлари натижаси деб айтиш мумкин.

Жаннатмонанд юртимиз эртанги кун учун юксак марраларни кўзлаб одамларнинг қалбига қулоқ тутаётгани, ҳеч кимдан кам бўлмаслик йўлида қиладиган савий-харакатлари натижаси деб айтиш мумкин.

"Tashkent City" маркази республикамизда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошланганини ва бу борада кўп нарсага қодир эканимизни кўрсатганини ифтихор билан айта оламиз.

Шариф УЗОҚОВ, фахрий қурувчи

"TASHKENT CITY": ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР БУНЁДКОРЛИК НАМУНАСИ

парки, савдо мажмуалари, конференция заллари, ресторан ва маданий марказлар, кўп қаватли уйлар жадвал суръатда қурилмоқда. Объектлар қурилишида ностандарт ишланмалар ва архитектурлик лойиҳаларидан фойдаланилган. Иншоотларнинг зилзилабардошлилигини таъминлаш учун Сан-Франциско, Истанбул ва Токио каби шаҳарларнинг тажрибаси билан ўрганилган. "Hilton" меҳмонхонаси 258 та номердан ташкил топади, уларнинг 8 таси юқори мартабада меҳмонларга мўлжалланган. Унда шунингдек, халқаро учрашувлар ўтказиладиган заллар, ресторан ва барлар жойлашган. Тўртинчи қаватда ҳавода муаллақ турган аквариумни эслатувчи бетакрор ҳовуз ўрин олган.

Бир сўз билан айтганда бинолар-

рий лойиҳасини туркиялик мутахассислар ишлаб чиққанидан хабардор бўлган, бориб кўриш иштиёқи пайдо бўлди. Набиралимни олиб бориб ўзимиз барига гувоҳ бўлдик. Қачонлардир дунёнинг ривожланган давлатларига ҳавас билан боқиб, бизда ҳам кунлар келиб шундай масканлар пайдо бўлармикен деган саволларга жавоб топгандек бўлдим. Юртимиз кундан кунга чиroy очмоқда. Замонавий шаҳарсозлик янада тараққий этмоқда. Шаҳар ичида шаҳар деб таърифланаётган бу худуд албатта асрларга ўзининг муҳташам жозибасини йўқотмайди.

Бугун шаҳримиз қиёфаси тубдан янгиланмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор, Мирзо Улуғбек, Юнусобод каби бир неча туманларида ҳам "Tashkent City" андозасига яқин за-

САЙЁР ҚАБУЛ ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Халқ билан мулоқот қилиш, юртдошларимизни ўйлантираётган, кези келганда қийнаётган дарду муаммоларига қулоқ тутиш бугун давлат идоралари фаолиятининг бош мезонига айланди.

Қайсидир манзилда бирон-бир ташкилот раҳбарининг фуқаролар билан учрашгани ҳақидаги хабарларни ўқиб экансиз, Президентимиз томонидан илгартирилган "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" тамойили юртдошларимиз ҳаётида ўз ақсини топаётганига гувоҳ бўласиз.

Кун кеча Давлат божхона қўмитаси раиси бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Сергели" ташкил иқтисодий фаолияти божхона پوستида оммавий қабул ва бевосита фуқаролар билан жонли мулоқот ташкил қилинди.

Бу гал ташкил иқтисодий фаолият иштирокчилари товарлар экспорт, технологик жиҳозлар ва транспорт воситалари импортга доир саволлар, давлат божхона хизмати органларига ишга қабул қилиш, тикланиш, шунингдек, бир худуддан бошқа худудга ротация қилишга доир масалалар билан бевосита Давлат божхона қўмитаси Раисига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлишди.

Мурожаатларнинг аксарияти эса жойида ижобий ҳал қилинди. Масалан, фуқаро Шоира Отабекованинг қизи божхона органлари хизматига қайта тикланадиган бўлди. 1998 йилда божхона органларида хизматни ўташ вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Қўлдошали Рўзибоевнинг турмуш ўртоғи ҳам оммавий қабулда иштирок этиб, ўғли Жавоҳир Эргашевнинг отаси изидан бориб, божхона ходими бўлиш истагида эканлигини билдирди.

Қабулда иштирок этган Атамурот Асанов ва Азамат Ибраимовларнинг ҳам мурожаати ижобий ҳал қилиниб, божхона органлари хизматига қайта тикланадиган бўлди.

Оммавий қабул давомида ташкил иқтисодий фаолият иштирокчилари ва фуқаролардан соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ташаббуслар ҳам билдирилди.

Умумий ҳисобда шу кунга Давлат божхона қўмитаси Раиси 40 нафардан зиёд фуқарони бирма-бир қабул қилиб, уларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларни қонуний тартибда қўриб чиқиш учун масъул ходимларга кўрсатма ва топшириқлар берди.

Таъкидлаш жоизки, йил бошидан буён Давлат божхона қўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан 2.8 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушиб, фуқароларнинг таклиф ва мурожаатлари ўз вақтида қўриб чиқилган.

Бугунги кунда чет эл билан ҳамкорликда ишлаётган тadbirkorларимиз учун қулай божхона хизматларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг йилдан йилга тобора такомиллашиб бораётгани ҳам уларнинг фаолиятида кўплаб қулайлик яратмоқда. Сайёр қабулда иштирок этиб, янгиликлардан хабар топган тadbirkorлар ҳам бунга алоҳида таъкидлашди.

Давлат божхона қўмитаси раҳбариятининг сайёр ва оммавий қабуллари республикамизнинг барча вилоятлари бўйлаб давом этмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

МАТБУОТ ХИЗМАТЛАРИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари матбуот хизматлари ходимлари учун "Ахборот олиш эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида тренинг ўтказилди.

Мақсад – матбуот хизматлари ходимларининг ҳуқуқий савдо-хонлигини ошириш, журналист ва блогерлар билан самарали ҳамкорлигини таъминлашдан иборат.

Тренинг Ўзбекистон замонавий журналистиксини ривожлантириш маркази ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда амалга оширилаётган "Ўзбекистонда ОАВ эркинлигини кўрлаб-қувватлаш мақсадида журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги кўмағида ўтказилди.

Унда қатнашган иштирокчилар ахборот хизматлари, ОАВ, журналист ва блогерлар фаолияти-

нинг ҳуқуқий асослари тўғрисида атрофлича маълумот олди.

– Ийл сайин оммавий ахборот воситаларига кўрсатиладиган эътибор туфайли уларнинг сони ортиб бормоқда, – дея кишлоқ ҳўжалиги вазирининг ахборот сифати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби Нигора Ҳўжаева. – Ахборот эндиликда ҳаётимизга тезкор, тобора чуқур кириб бормоқда. Ўзбек тили билан бирга хорижий тилларда ҳам фаолият кўрсатаётган журналистлар ва блогерлар сафи кенгаймоқда. Бу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотларида янгидан ташкил этилаётган матбуот хизматлари ҳам фаол иш олиб бориши керак. Шунинг учун бугунгидек тренинглар биз каби ахборот хизмати ходимларига ўзлари устидан ишлашга ёрдам беради.

Тренинг давомида матбуот хизматлари ҳамда ОАВ, журналистлар ҳуқуқлари, мажбуриятлари, масъулиятлари батафсил ўрганилди. Жумладан, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий қафолатлари, ахборот олиш ва тарқатиш қафолатлари, ахборот тарқатишда инсон шъъни, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, жавобгарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маълумот олиш эркинлигининг ҳуқуқий асослари, медида диффамация масалалари, воғда етмаганлар тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш қоидалари ва бошқа масалалар батафсил ўрганилди. Иштирокчилар шу билан бирга, журналистлар сўровларига жавоб бериш қўникмаларини ўзлаштириб олди.

Абдулазиз МУСАЕВ, УзА мухбири

Диққат, янгилик!

ПОЙТАХТДА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛИҚ ЖАВОБ БERAДИГАН ЛАБОРАТОРИЯЛАР ОЧИЛДИ

Шаҳримизда "Swiss Lab" клиник диагностика лабораториясининг бир қатор офислари очилди.

Ўзбекистон – Швейцария "Swiss Lab" қўшма корхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасида 2019 йилнинг 14 январидан имзоланган узатра ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумга мувофиқ ушбу диагностика клиникалари ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур Меморандум Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси Равшан Исамов ва "Swiss Lab" қўшма корхонаси бош директори Наталья Дудкова томонидан имзоланган бўлиб, "Swiss Lab" клиник лабораториялар тармоқларини очишдан мақсад, Ўзбекистон аҳолиси учун сифатли, арзон лаборатория-диагностика хизматларини кўрсатиш учун қулай шароитларни яратишдан иборат.

"Swiss Lab" асосий тахлилларни қисқа вақт (2 соат),

шаффофлик тарзида олиб боради. Бунда миқоз биоматериалнинг олинишидан бошлаб, тахлил натижалари тайёр бўлгунча қадар жараёни бевосита кузатиш имкониятига эга бўлади.

Биринчи босқичда Тошкентда, кейинчалик эса, бошқа худудларда лаборатория хизматлари ташкил этилади. Бунда Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг ҳудудий бўлиmlари ёрдам кўрсатади.

– Бу даражадаги лабораториялар "референс лаборатория"лар сирасига кириди ва фаолияти халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради. Бу жуда сифатли ва аниқ назорат, махсус реагент ва бошқалар, яъни ҳар бир босқичда юқори даражадаги сифатли назорат олиб борилади. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига халқаро стандартлар олиб кирилади ва жорий этилади. Бу ўз навбатида миллий палатанинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, – дея таъкидлайди Р.Исамов.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси марказининг Матбуот хизмати

Сайлов – 2019

САЙЛОВЛАРИНИНГ ШАФФОФЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайлов кодексига асосан кузатувчилар сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш, номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида иштирок этиш, сайлов участкасида ҳозир бўлиш, яширин овоз бериш кабиндаларининг ёки хоналарининг жойлаштирилишини ва сайлов қутилариининг муҳрланишини, фуқароларнинг рўйхатга олинишини, сайлов бюллетенларининг уларга берилишини кузатиш, овозлар санаб чиқилаётганда ва сайлов комиссиясининг баённомаси тузилаётганда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаларини сўраш ва олиш, агар тегишли сайлов участкасида Кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқларига эга.

Шаффофликни таъминлаш овоз бериш бошлангандан бошлаб, тугаганда ҳам давом этади. Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирчилигида овоз беришининг бошланганлигини эълон қилиб, сайлов қутилариининг бўшлигини текширади ва уларни бир мартаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди, участкадаги рўйхат бўйича сайловчиларнинг сони, олинган сайлов бюллетенлари сони ҳамда мuddати-дан олдин овоз берганлар ҳақида маълум қилади.

Овоз бериш тугаган, участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари овоз бериш тугаганлигини комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирчилигида эълон қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари акс этган баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат мuddатга дарҳол осиб қўйилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари акс этган баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат мuddатга дарҳол осиб қўйилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари акс этган баённоманинг кўчирма нусхасини олишга ҳақли.

Участка сайлов комиссияси баённомасининг кўчирма нусхаси ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Сайлов кодексининг муҳим янгиликларидан бири, бу – шаффофликни таъминлашга хизмат қилувчи норма-ларни ўзида ифода этганлигидир. Бунга мисол қилиб, фуқароларга Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти таъмин-ланиши, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари унинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилиниши лозимлиги, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари расмий веб-сайтларида ўз таркиби, манзи-ли ва комиссиянинг телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов якунларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг қарори Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши, сиёсий партия-ларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори ҳақидаги ахборот Мар-казий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши, Сенат аъзоларини сайлаш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг қўшма мажлислари ўтказиш са-наси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори унинг рас-мий веб-сайтида эълон қилиниши, сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни сайлов якунлари эълон қилинган-дан кейин бир ой ичида ўз расмий веб-сайтларида ва босма нашрларида эълон қилиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Сайлов кодексига белгиланган маъмурият нормаларининг амалиётда бажарилаётганлигининг бевосита гувоҳи бўли-шимиз мумкин. Фуқароларга Марказий сайлов комиссия-сининг Интернетда www.elections.uz расмий веб-сайти орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маъл-умотлар билан танишиш имконияти таъминланди. Мар-казий сайлов комиссиясининг қарорлари унинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилинмоқда, шу кунгача 36 та қарор эълон қилинди, вилоят, туман, ша-ҳар сайлов комиссиялари расмий веб-сайтларида ўз тар-киби, манзили ва комиссиянинг телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишди.

Хулоса қилиб айтганда, сайловларни шаффофлиги сайлов жараёнига, унинг тизимлида эса давлатга ишонч-ни мустаҳкамлайди, демократик жараёнларни ривожлан-тиради, фуқаролик жамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Ф.НАСРИДИНОВ, Марказий сайлов комиссияси бўлим бошлиғи

МЕНИНГ БИРИНЧИ САЙЛОВИМ

Сайлов – бу ҳар бир кишида фуқаролик масъулиятини англаш билан бирга "Мен шу Ватан фарзандиман" деган ғояни синдиришга, англаб етишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси она Ватанимизнинг фарзанди ҳисобланади.

Мустақил демократик давлатда ҳар бир фуқаронинг, Ватан фарзандларининг ўз ўрни, ўз овози бор. Келажак – ёшлар қўлида. Биз ёшларнинг бўлиб ўтадиган сай-ловдаги ҳудудий бўлиmlари ёрдам кўрсатади.

– Бу даражадаги лабораториялар "референс лаборатория"лар сирасига кириди ва фаолияти халқаро меъёр-ларга тўлиқ жавоб беради. Бу жуда сифатли ва аниқ назорат, махсус реагент ва бошқалар, яъни ҳар бир босқичда юқори даражадаги сифатли назорат олиб бори-лади. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон соғлиқни сақ-лаш тизимига халқаро стандартлар олиб кирилади ва жорий этилади. Бу ўз навбатида миллий палатанинг асо-сий вазифаларидан бири ҳисобланади, – дея таъкидлай-ди Р.Исамов.

Мен Розиябону Анварова Ўзбекистон Миллий универ-ситетининг ижтимоий фанлар факультетининг 1-босқич талабасиман.

Жорий йилнинг 22 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-таси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаш-ларига сайловда илк мартаба иштирок этишим. Бу ме-нинг масъулиятли ва шарафли бурчим. Ушбу сайловда мен она Ватаним манфаатлари, истиқболини кўзда ту-тиб, муносиб номзодга ўз эркинлик ва демократик ҳуқуқларимдан фойдаланиб овоз бераман. Яъни, ушбу овоз ва обод юртин, бизнинг келажгимиз ҳамда мил-лат ва ёшлар тақдирига бефарқ бўлмаган муносиб ном-зодга овоз бериш ниятидаман.

Сайловга оид барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида батафсил маъл-умотлар билан танишиб чиқмоқдаман.

Хулоса қилиб айтганда, жорий йилнинг 22 декабрь ойи-да ўтказиладиган сайловда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқла-рини тўлиқ ва эркин намоиш этишлари билан боғлиқ барча сиёсий тadbirkorларнинг юксак савияда ўтказилишига ўз хиссамни қўшмоқчиман.

Розиябону АНВАРОВА



БАРЧА ИСЛОХОТЛАРНИ "ИНСОННИ ЎЗГАРТИРИШ" ТАМОЙИЛИГА УЙҒУН РАВИШДА ОЛИБ БОРАМИЗ

Туб ислохотлар туфайли ҳаётимиз янгиланмоқда, қарашларимиз, энг асосийси, воқеликка муносабатимиз ўзгарапти. Қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, йиллар давомида ечим топилмаган муаммолар очик-ойдин муҳокама қилинапти. Муҳими, ана шундай ўзгаришлар асосида қонун ва қарорлар, давлат дастурлари юртдошларимиз талаби асосида қабул қилиниб, аҳоли манфаати йўлидаги эзгу мақсадлар рўёби таъминланмоқда.

Изчил ислохотлар сиёсий партиялар ҳамда барча даражадаги депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам халқ вакиллари янгилиниш ва ўзгаришлар кузатувчиси эмас, аксинча илғор ғояларни илгари сурган ҳолда, фаол иштирокчиси бўлиши лозимлиги қайта-қайта таъкидланаётир.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Жамшид КАРИМОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш"
демократик партиясидан халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши депутатлигига
номзод:

— Фуқаролар бугун нафақат давлат аҳамиятига молик ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишида бевосита иштирок этиши мумкин, балки уларнинг ижросини ҳам назорат қилишга ҳаққи бор. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маросимда ҳам бу ҳақда тўхталиб, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқлигини алоҳида таъкидлаган эди. Чунки халқимизнинг ўзи қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Барчамизга маълум, деярли кўпчилигимиз ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари билан қайсидир маънода тўқнаш келганмиз ёки зиддиятга борганмиз. Мисол учун, участка нозири ўзи хоҳлаган пайтда сизни безовта қилиб, уйингизга кириб келиши мумкин. Ёки прокуратура органлари сизга расмий қақриув қоғози жўнатмай, телефон орқали сўроққа қақриш ҳолатлари ҳамон давом этапти.

Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш тарафдори ва бу фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимига ишончини ҳам мустаҳкамлайди.



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ИХТИЁРИЙ МАЖБУРИЯТГА ЧЕК ҚЎЙИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Умида АЗИМОВА,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш"
демократик партиясидан халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига
номзод:

— Демократик давлат барпо этишнинг энг асосий шартларидан бири жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда ҳар бир кишида қонунларга ҳурмат ва итоат қилиш туйғусини қарор топтиришдир. Бугун ҳаётимизда юз бераётган тамагарлик, коррупцион ҳолатлар юз беришининг асосий сабаби кундалик турмушимиз учун зарур бўладиган оддий қонун-қоидаларни билмаслигимиздир.

Яқинда Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида ишлаётган ўқитувчилардан бири мурожаат қилди. Унинг билдиришича, Халқ таълими вазирлигининг хати ва унинг асосида тайёрланган Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ҳамда туман халқ таълими бўлими бошлиқларининг буйруғига кўра мактабда ўн ва ундан катта ёшдаги ўқувчилардан 4460 сўм, ўқитувчилардан эса 8920 сўмдан омавий равишда "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятига аъзолик бадалаи йилгилан. Чунки мактаб директори бу вазирликнинг буйруғи экани ва у сўзсиз бажарилиши кераклигини, шикоятга ўрин йўқлиги айтилган.

Аслида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги ва "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги



қонунларга асосан ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши қатъий белгиланган.

Жумладан, мактабларда "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятига аъзолик бадалаи йилгилан ҳам мажбурий асосида бўлмаслиги лозим. Агар сиз ўз хоҳишингиз билан жамият аъзолигига кирган бўлсангиз, бадал тўлашга мажбур сиз. Аъзоликдан истаган пайтингизда чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эгасиз. Ўзимиз учун зарур бўлган бунга ўхшаш тартибларни, ҳақ-ҳуқуқларимизни билмаганимиз боис, баъзан емаган сомсага пул тўлашга мажбур бўламиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сайловолди дастурида демократик жамиятни шакллантиришни жадаллаштириш ва бу борадаги ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқлиги кўрсатилган ва партия суд-ҳуқуқ соҳасида демократик жамиятнинг асоси ва ҳуқуқий тизим мукамаллиги кўрсаткичи бўлган фуқароларда ҳуқуқий онги ва маданиятни оширишни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Зеро, ҳуқуқий онг фуқароларнинг ҳуқуқий билим-савиясини белгиласа, ҳуқуқий маданият инсоннинг қонунларга амал қилиш даражасини белгилайди.

БОЛАГА ТАРБИЯСИЗ ТАЪЛИМ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ

Эргаш КАРИМОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш"
демократик партиясидан халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига
номзод:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг энг асосий ғояси жамиятда миллий онг, миллий тафаккурни юксалтириш орқали одамларни "Инсонни ўзгартирмасдан, жамиятини ўзгартириб бўлмайди" деган умум-миллий ғоя атрофида бирлаштиришдир.

Хўш, бу нима дегани?
Бу аввало ҳар бир оилада ҳар бир фарзанд тўғри тарбия олиб вояга етиши учун етарлича шарт-шароит яратиш дегани. Аслида ҳам Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, қадриятларга ҳурмат тўғри тарбия орқали шаклланиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Бу борада партия "Болага тарбиясиз таълим бериб бўлмайди" деган ғояга алоҳида ургу бергани бежиз эмас. Чунки таълим ва тарбия эт-тирноқ кабудир: тарбиясиз таълим, таълимсиз тарбия бўлмайди. Мамлакатимизда ҳар бир бола таълим олишга мажбур. Мактабга иштиёқсиз келган бола дарс жараёнига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундай болаларга на тўғри ўтиришни, на бошқаларга ҳалақит бермасликни ўқтира оласиз.

Демак, ўз-ўзидан аёнки, болага аввало оилада яхши тарбия берилиши, бу жараён мактабга таълим ва умумтаълим муассасаларида босқичма-босқич мукамаллаштириб борилиши лозим. Афсуски, болалар боғчаларида шу пайтгача "алдагани бола яхши" қабилида иш тутилиб, мажбуран ушлаб туриш масканга айланган эди.

Шу маънода, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мактабгача таълим муассасаларида аввало таълим эмас, тарбия устувор бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғоясини бир овоздан қўллаб-қувватламасдан илож йўқ. Зеро, барчамиз фарзандларимизнинг инсонийликка хос бўлган эзгу мақсадлар руҳида вояга етишини, келажакда ҳар томонлама етук кадр бўлиб, Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмақом ўлкамизга нафи тегадиган ватанпарвар бўлишини хоҳлаймиз. Бунда ЎзМТДП ғоялари албатта бизга камарбаста бўлиши шубҳасиз.

**ЎзМТДП шаҳар
Кенгаши Матбуот хизмати**



БИЗ ҲАР БИР ШАХС МУНОСИБ ШАРОИТЛАРДА МЕҲНАТ ҚИЛИШНИНГ ТАРАФДОРМИЗ!

Сайловларга санокли кун қолди. Барча сиёсий партиялар сингари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган ҳар бир номзод ташвиқот ишларини самарали амалга оширишни давом эттирмоқда. Ҳар бир сайлов участкасида ҳамда маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан жонли мулоқот қилмоқда. Эътиборлиси, партиямиздан депутатликка номзод этиб кўрсатилган ҳар бир шахснинг Сайловолди дастури халқчиллиги билан ажралиб турибди. Учрашувларда, сайловчилар билан бўлаётган мулоқотларда аҳоли вакиллари буни эътироф этишмоқда.

Нодира МАННАНОВА,
Юнусобод тумани 52-оилавий поликлиника бош шифокори, 53-Туркистон сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод:

— Ўзимизни бахтли, хотиржам ҳис қилишимиз учун кўп нарса керак эмас. Тинчлик, доимий иш жойи, зарур эҳтиёжлари учун етадиган даромад манбаига эга кишининг ҳаётга ишончи мустаҳкам бўлади. Бундан бундан кўра эшитганмиз, ҳаётимиз давомида ҳам амин бўлаймиз. Бундан бундан кўра мамлакатимиз микёсида ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича дастурлар тасдиқланмоқда. Бўш ва қовталган ўринларда ишга жойлаштириш механизми самарали шаклланиши ривожлантириш борасида тизимли чора-тадбирлар кўришмоқда. Бироқ муаммо бу билан бутунлай ҳал бўлди, дея олмаймиз. Чунки бугунги кунда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида айни йўналишда ўз тақлифларини илгари сурмоқда. Бу ўринда ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, партияга тегишли вазифалар ижросини таъминлайдиган демократик таъсир механизмларини ишга солган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича давлат буюртмасини бажариш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишни мақсад қилган. Мен ҳам ўз Сайловолди дастурида мазкур масалага эътибор қаратганман. Агар депутат этиб сайлансам, айниқса, хотин-қизларни доимий иш билан банд қилишга, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга, уй шароитида даромад қилишга яқиндан қўмақлашишга интиламан.

Хафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар "Билим" ахборот кутубхона маркази раҳбари, 41-Қўтарма сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод:

— Ижтимоий шериклари билан биргаликда доимий иш жойига эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятда қолган аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун, депутатлик ва жамоатчилик назорати тарзида "мардикор бозорлари"ни ўрганиб чиқиш зарур. Шу аснода фуқароларни мажбуран иш билан таъминлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар нега иш бермаётганининг сабабларини аниқлаш ҳам керак. Бу йўналишда яъни, бандлик ва ишсизликка қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга доир илғор ҳорижий тажрибани ўрганиш талаб этади. Ўрганишлар натижаси асосида "Бандлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда бошқа тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришларни киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси сифатида олиб чиқишни кўзда тутганмиз. Шунингдек, сайловолди дастурида тадбиркорлик субъектларини ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақидан юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишга рағбатлантириш мақсадда қатор тақлифларни илгари сурганман. Масалан, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан келиб чиқиб, ижтимоий тўловларнинг дифференциал ставкаларини белгилаш. Бунда корхона тўлайдиган ўртача иш ҳақи қанча юқори бўлса, ягона ижтимоий тўлов миқдори шунча пасаяди. Иш ҳақининг ўртача ҳисобланган номинал миқдоридан паст маош тўлайдиган корхона ва хусусий тадбиркорларга қонунда белгиланган солиқ имтиёзларини қўлламас-

лик, даромадига эса юқори ставка бўйича солиқ солиш керак, деб ҳисоблайман.

Рустам КАЛАНОВ,
"Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, 51-Хиёбонтёпа сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод:

— Ҳар бир одам меҳнат қилишга, муносиб ҳаёт кечиришга, ҳақли, албатта. Бу инсоннинг энг бирламчи, устувор ҳуқуқидир. Лекин ҳаёт тақозоси, турли омиллар сабаб ҳаммада ҳам бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун давлат ва жамият эҳтиёжидан кишиларнинг интилиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаши, уларга ҳар томонлама мадад бериши зарур. Халқимиз тарихи ва турмушдаги юксак анъаналаримиз шунга тақозо қилади. Халқ демократик партиясидан депутатликка кўрсатилган номзодлар ҳар бир инсоннинг доимий иш ўрни, доимий даромад манбаига эга бўлиши учун ҳаракат қилади. Меҳнатга лаёқатли фуқароларни ижтимоий нафақалардан юқорироқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналиши бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Ушбу масалалар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда ХДП аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат буюртмасини бажариш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишни мақсад қилганмиз.

Алишер РАВШАНОВ,
журналист, "Тараққиёт стратегияси" марказининг жамоатчилик билан ишлаш бўлими бошлиғи, 149-Қўйлик сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Ҳеч биримиз ногиронликдан қафолатланмаганмиз. Бу барчамизни сергаклантириши лозим. Ёнимиздаги одамларга берад қўймасликка ундаши даркор. Парламентдаги фракция орқали БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ратификация қилиш ташаббусини ўрнатилган тартибда илгари сурини кўзлаганман. Уйлайманки, бу орқали мамлакатимиздаги ногиронлиги бўлган шахсларни ўйлантираётган кўплаб масалаларга ечим топамиз.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталаман. Партия-миз Сайловолди дастурида қайд этилишича, имкон доирасида меҳнат билан банд бўлишга ҳаракат қилаётган ногиронларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш керак. Бунинг учун тегишли вазифалар ижросини таъминлайдиган демократик таъсир механизмларини ишга солган ҳолда **ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш учун** қонунчиликда белгиланган квоталарга қатъий риоя этилишига эришиш керак бўлади. Шунингдек, партия ишга жойлашмида қийинчиликларга дуч келадиган аёллар, "Меҳрибонлик уйлари" битирувчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлар учун ишга жойлашми бўйича **хуқуқий кафолатларни ошириш** ҳамда **"Тенг иш учун — тенг иш ҳақи"** тамойилига қатъий риоя этилишига ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини тегишли норма ва процессуал механизмлар билан тўлдириб бўйича тақлифлар тайёрлаш ва парламентдаги фракцияси орқали уларни қонунчилик ташаббуси сифатида олиб чиқишни режалаштирганмиз.

Халқ демократик партияси номзодларига овоз беринг! Биз сизнинг манфаатингиз учун қатъий курашамиз.

ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ахборот хизмати

БЕШТА ТАШАББУС – ЁШЛАРГА ҚАНОТ

Президентимиз томонидан ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган 5 та муҳим ташаббуси илгари сурилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шиддат билан ривожланиб, мафкура ва гоғлар кураши авж олаётган бугунги глобаллашув даврида талаба-ёшлар ўртасида ушбу 5 муҳим ташаббусни илгари суриш, омалаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланган. Шу боис 5 та муҳим ташаббусни амалга оширишга Тошкент Тиббиёт академияси кафедралари қаторида Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ходимлари ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Кафедра ходимлари томонидан тадбирлар ўтказиб, талабалар билан очик мулоқотлар ташкил этилди. Ана шундай маънавий тадбирлардан бири 5-сонли талабалар турар жойида "Театрга муҳаббат, касбга садоқат!" мавзусида ўтказилди. Бундан қўзланган мақсад бугунги кунда ёшларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича йўналишлар беришга қаратилди.

Маънавий тадбир кечасида атоқли санъаткорлардан Ўзбекистон ҳалқ артисти

Элёр Носиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Доно Бобохонова ва актриса Муҳаббат Алиевалар иштирок этишди. Тадбирни Тошкент Тиббиёт академиясининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Т.Бобомуротов очиб берди. Шундан сўнг сўз наватини Ўзбекистон ҳалқ артисти Элёр Носировга берилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган муҳим бешта ташаббус ҳақида сизнинг фикрингиз деган саволга у қуйидагича жавоб берди.

— Бу айна пайтда кўтарилган энг муҳим масала бўлди. Чунки ҳар бир йигит-қизни болалигидан бошлаб юксак маънавий савия, дид ва фаросат эгаси, мустақил фикрлайдиган, маърифатли инсон қилиб тарбиялаш зарур. Шундай фазилатларга эга бўлган ёшларгина ҳаётимизга турли иллат ва вайронкор гоғларни олиб қираётган "оммавий маданият"га қарши курашиши мумкин. Давлатимиз томонидан ҳалқимиз, айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, бадиий савиясини оширишга қанчадан қанча маблағ ва куч сарф этилмоқда. Шунга қарамай,

ёшларнинг саҳна асарларидан кўра медиа маҳсулотларга бўлган қизиқиши баянда. Инсоннинг қандай тарбия топиши, аввало оила, ундаги муҳитга боғлиқ. Болаларимиз онгани фақат ўраб-чирмаган ҳолда, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Шундай экан, ҳар бир оила бошлиқлари фарзандларини болалигиданоқ интернет ёки медиа бозоридаги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини шакллантирган ҳолда уларнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган театр, музей, кутубхона каби тарбия масканлари билан ақиндан таништириб бориши лозим. Ёшлар у ерда тарихимиз, маданиятимиз, санъатимиз эҳсан эгаси, маданиятнинг экран орқали эмас, балки ўз кўзлари билан кўришди, ўқиди, томоша қилиш маданияти шаклланади, асосийси, миллатига, Ватанига бўлган муҳаббати ортади.

Бу борада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Доно Бобохонова, актриса Муҳаббат Алиевалар ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Бундай суҳбат талаба-ёшларимизнинг иқтидорини юзага чиқаришда яхши натижа берди. Улар ўз тажрибасидан келиб чиқиб, иқтидорни намойиш этиш бўйича маҳорат дарси ўтдилар. Улар томонидан адолат, эзгулик, ҳаёт, тинчлик, шукроналикни тараннум этувчи ва адоват, зулмат, ваҳшийлик, ёмонлик, ношукрликни қораловчи турли образлар намойиш этишди. Улар ижро этган ҳар бир роль талабалар томонидан номма-ном айтиб турилди ва талабалар ҳам образ ижросида иштирок этишди. Айниқса атоқли санъаткор Элёр Носиров томонидан талабаларга "Ўз иқтидорингизни намойиш этишдан ҳеч уялманг, иқтидор кўп нарсани англайди!" деб керакли кўрсатмалар берилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган воситалар уйғунлигидега ёшлар камолотини шакллантиришга бориш зарур. Бу йўлда ёшлар тарбияси билан шугулланувчи ҳар бир педагог ҳам масъул эканлигини унутмаслиги керак. Демак, инсон маънавиятини юксалтиришда театрнинг алоҳида ўрни бор.

И.РОЗИКОВА,
ТТА Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси муdiri,
Д.АЛИКУЛОВА,
шу кафедранинг катта ўқитувчиси

Тиббиёт

ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилган ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Яқинда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида Россия Федерацияси Н.Блохин номидаги онкология миллий тиббий тадқиқот маркази етакчи мутахассиси Игорь Трофимов иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

Тадбирда юртимиздаги онкология ва радиология йўналишида фаолият олиб бораётган тиббий муассасаларнинг етакчи мутахассислари, олиё ўқув юртлари ўқитувчилари ва тадқиқотчилари иштирок этди.

Аҳолига кўрсатилаётган юқори технология тиббиёт ёрдами янада такомиллаштириш соҳа олдида турган энг муҳим вазифадир. Шу мақсадда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази бир қатор хорижий клиникалар ва институтлар билан ҳамкорлик меморандуми имзолади. Ҳозирги кунга 100 га яқин мутахассислар АҚШ, Польша, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Беларусь ва бошқа нуфузли чет эл муассасаларида қисқа ва узок муддатларда ўз малакаларини ошириб келишди.

Бу борада Россия билан йўлга қўйилган ҳамкорлик кун сайин кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ўзбекистон онкологик хизмати клиник амалиётида илк бор хавфли ўсмаларни эндоваскуляр усулда даволаш жорий этилди.

Тадбир доирасида москвалик жарроҳлар томонидан тақдим этилаётган, хавфсизлик ва самардорлик даражаси юқори бўлган мазкур даволаш усулини мамлакатимизда қўллаш амалиёти бўйича фикр алмашилди.

Маҳорат дарсида россиялик мутахассис дастлаб мамлакатимиз шифокор-онкологлари учун янги ҳисобланган методиканинг назарий жиҳатлари хусусида батафсил маълумот берди. Мулоқот давомида беморни жарроҳлик амалиётига тайёрлашдан бошлаб, амалиётни ниҳоясига етказишгача бўлган барча босқичлар, шунингдек, турли асоратларнинг олдини олиш йўллари, тажриба ва хулосалар аҳамияти таҳлил қилинди.

Онкологик касалликларни эндоваскуляр усулда даволаш анъанавий кимёвий терапиядан фарқ қилади. Яъни ушбу жараёнда салбий асоратлар билан боғлиқ муаммолар кескин камаяди, муолажа ҳам узвий олиб борилади.

Шунингдек, тадбир доирасида россиялик шифокорлар томонидан беморларни эндоваскуляр усулда даволаш бўйича жарроҳлик

амалиёти ҳам ўтказилди.

Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишда ечимини кутаётган муаммоларнинг олдини олишда дастуруламал бўлиб хизмат қилаётди. Қарорда белгиланган вазифалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бугунги кунда, вилоятлардаги онкология диспансерлари Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиалларига айлантирилди. Онкология муассасалари реконструкция ва модернизация қилинди, онкологик касалликлар диагностикаси ва даволашнинг замонавий йўналишлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ҳар йили 16 миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланди. Жумладан Ўзбекистонда ҳам 100 мингдан ортиқ бемор онкологик касалликлар бўйича ҳисобда туради.

Бугунги кунда республикаимизда барча онкология муассасаларида диагностика ва даволаш ишлари давлат маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилмоқда.

Худудларда аҳолига кўрсатилаётган онкология хизмати сифатини тубдан яхшилаш мақсадида пойтахтимизда фаолият юритаётган етакчи мутахассислар Марказнинг вилоят филиалларига раҳбар лавозимларига юборилди. Бунинг натижасида худудларда ҳам юқори технология жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Бу имконият туфайли худудлардан пойтахтга тегишли ва даволашни учун мурожаат қилаётган беморлар сони кескин камайиб борапти.

Онкология соҳасида фуқаролар эътирозига сабаб бўлаётган жиддий муаммолардан бири дори-дармон билан боғлиқ эди. Давлатимиз томонидан бу муаммони бартараф этиш юзасидан бажарилган узлуксиз чора-тадбирлар туфайли бугунги кунга кели онкология муассасаларини дори билан таъминлаш деярли тўлиқ таъминланган.

Онкология соҳасида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган янгилик ва қўлайликлар замирида инсон саломатлигини муҳофазалаш, яхшилаш ва ушбу ҳасталикнинг олдини олиш ва даволаш борадидаги муҳим вазифалар муҳасамлашган.

Гулчехра ДУРДИЕВА

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар тизимли равишда ташкил этиб келинмоқда.

Бу турдаги тадбирларга прокуратура, адлия, ички ишлар идоралари вакиллари, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари жалб қилинган алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, коррупция – давлат ва жамиятнинг ривож, ҳалқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мазкур йўналишдаги учрашув ва давра суҳбатлари тарбиявий-профилактик аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси томонидан "Арк булок", "Тошкент-товар", "Сергели", "Чукурсой" ташки иқтисодий фаолият ва "Келес" темир йўл чегара боғжона постларида ана шундай тадбирлар ташкил қилинди.

Рақамларга мурожаат қилмас, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси томонидан кенг жамоатчилик вакиллари ва ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида 87 маротаба турли учрашув ва давра суҳбатлари ташкил қилинган бўлиб, уларда боғжона қонунчилигидаги янгиликлар, тадбиркорлар учун жорий қилинаётган қўлайликлар ва энгилликлар билан бир қаторда тизимда коррупцияга қарши курашиш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Яна бир жиҳат ёш боғжона ходимлари томонидан коррупцион ҳолатларни содир этилишининг олдини олишда оиланинг роли, ходимнинг оила аъзолари билан муносабат, оилاداги моддий ва маънавий аҳволи инобатга олиб, тарбиявий-профилактик суҳбатларни нафақат ёш боғжоначилар билан, балки уларнинг уйига бориб, бевосита оила аъзолари билан ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирларда бу каби иллатларга қарши курашишда барча бирдек масъул эканлиги таъкидланди.

Зарина РУСТАМОВА

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 24.04.2014 йилда тақдим этилган "ABROR LAWYER" адвокатлик бюроси рақами: TN № 000635 сонли бўлган гувоҳномали адвокатлик бюроси таъсисининг 2019 йил 18 декабрдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.

Тошкент шаҳар Юнособод тумани Давлат хизматлар маркази томонидан 9.04.2019 йилда № 709680 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "YOSH VATANPARVAR" NTM (СТИР: 306317730) таъсисининг 10.12.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнособод тумани, 15-мазеси, 273-мактаб худуди манзилида қабул қилинади. Тел: +99890 901-34-67.

М.Улуғбек туманидаги 426-МТМга (СТИР: 203326194) тегишли гербли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Юнособод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 15.07.2013 йилда № 008457-10 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ZANRO BARAKA SAVDO" МЧЖ (СТИР: 302660816) почта манзили: Тошкент ш., Юнособод тумани, 2-мавзе, 37-уй, 96-хонадон таъсисининг 10.12.2019 йилдаги №1 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами 97 490 01-14 орқали қабул қилинади.

Навоий вилояти, Нурота тумани 1-сон давлат нотариал идораси 1966 йилда туғилган 2019 йил 5 август куни вафот этган, вафотига қадар Навоий вилояти, Нурота тумани, Адизобод қишлоғида жойлашган Муруват уйда рўйхатда турган Махсудов Дилмурот Махаммовичдан қолган мерос мулкларига нисбатан 16.12.2019 йилда Навоий вилояти, Нурота тумани 1-сон нотариал идорасида мерос иши очилганлиги маълум қилади.

"101"

ОҒОҲЛИК – ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Фарзандларимиз – бизнинг келаганимиз. Шундай экан, ҳар биримиз уларни хонадонларда ёлғиз қолдирмасликка эътибор қаратишимиз лозим.

Ёшнинг ҳақида уларга тушунириб, "тилсиз ёв" нима оқибатларга олиб келиши тўғрисида тушунтириш даркор. Шунинг учун Ёшнинг хавфсизлиги бўлими ходимлари барча фарзандларингизга эътиборли бўлиш ва бепарволикка йўл қўймаслигини сўраб қолади.

Азиз АШИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Биносини Ёшнингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, лейтенант

Табийи газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан инсонларнинг озгина эътиборисизлиги натижасида катта таъшишлар келтирилади. Уйни иситиб турадиган, таомлар пишшишга ёрдам берадиган олов — ёшнинг талафотига айланаб кетмаслиги учун ёшнинг хавфсизлиги ҳизмати ходимлари доимо курашиб келмоқда. Соҳа ходимлари фуқароларга хилма-хил равишда тарғибот ишлари ўтказиб, олов ўз жиловидан чиқиб кетганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва бунинг олдини олиш учун нимага рия қилишлари тушунтириб ўтмоқдалар. Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилиш мумкинлигини унутманг.

Мурод БАРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қарашли Виртуал қабулхона Биносини Ёшнингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, катта сержант

Газ ҳидини сезганда гугурт қақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчалик билан плиталарга резина шланглар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб, хонадонни талафотларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади.

Энг ачинарли томони шундаки ёшларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қилмайди. Бунга бор-йўқи бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик сабаб бўлади. Зеро, ёшнинг хавфсизлигини таъминлаш ёшларнинг содир бўлиши, мулк талафоти, инсонларнинг жароҳатланишининг олдини олишга нафақат ёшнинг хавфсизлиги ҳизмати ходимлари балки барчамиз бирдек масъулмиз.

Абдурахмон АБДУХАЛИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Биносини Ёшнингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант

Моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни ёшнинг офатидан ҳимоялаш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Фуқаролар томонидан йўл қўйилаётган қамчиликлари ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, ёшнинг инсонлар ҳаётига зарар келтириши хусусида суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Лекин профилактик тадбирларга қарамай айрим локайд фуқароларимиз туфайли ёшлар содир этилмоқда. Шу ўринда ёшларнинг олдини олишда барча бирдек масъул эканлигини эслатиб ўта-миз.

Умиджон БОТИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Биносини Ёшнингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, катта лейтенант

Олов – "тилсиз ёв" дейдилар. Хонадонлар, жамоат жойларида ёшнинг қарши барча эҳтиёт чоралари кўриб қўйилиши зарур.

Бунда ёшнинг ўчирувчилар масалалари ва кўмағига таъниш муҳим. Хуллас, ёшнинг олдини олиш учун ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши кураш қоидаларига рия қилиш, газ, электр ускуналаридан турли ва хушёрлик билан фойдаланиш зарур. Шундагина биз кўнглимиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўлишимиз.

Мирзаз ТОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Биносини Ёшнингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Содир бўлаётган ёшларга кўп ҳолларда болалар сабабчи. Шундай экан уларга ёшнинг, унинг оқибатлари, бажарилиши талаб этилади. Таъминлаш соҳасида тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушунтириш лозим.

Бу борада ёшнинг хавфсизлиги ҳизмати ходимлари томонидан мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ёшнинг хавфсизлиги қоидалари, унинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли (саҳналаштирилган) лавҳалар, кўргазмали қуроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсада мувофиқдир.

Содиқ ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Биносини Ёшнингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта сержант

Ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин. Ёшларнинг асарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Зеро, газли ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билангина тузатиш, каровсиз қолдириш бефарқлик, умуман, ёшнинг хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпгина аҳоли турар жойларида учрайди. Шу ўринда кўп нарсани таъкидлаш истардик: уйда, ишондан жамоат жойларида ёшнинг хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш.

Сарвар ТУЛЯГАНОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси Биносини Ёшнингдан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, капитан

Ёшнинг хавфсизлиги ходимлари ёшнинг келиб чиқишида фуқароларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётганлиги, локайдлик сабаб уй-жойлар кўриб қўлга айнаётганлигини мисоллар ёрдамида тушунтириб беришга таянади.

Шу ўринда ёшнинг келиб чиқишининг асосий сабаби оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш эканлигини таъкидлаш жоиз.

Азизбек АХМЕДОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ЁХБ инспектори, лейтенант

Содир бўлаётган ёшлар ва улардан қўриладиган зарарларни таҳлил этадиган бўлсак, асарият ҳолларда бундай офатларга ўзимизнинг бефарқлигимиз, ёшнинг хавфсизлиги қоидаларига рия қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганга амин бўламиз.

Қўндалик турмушимизда турли кўнглимизларнинг олдини олишда оғоҳлик муҳим аҳамият касб этади. Олдиётгани кўнглимизлар, кундалик ҳушёрлигини ошириш ана шу офатнинг келиб чиқмаслигининг асосий омилдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, оғоҳлик — давр талаби эканлигини унутманг.

Аброр ХАЛИЛОВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 19 декабр кунга ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёғин ёриб, қорға айланishi мумкин. Фардан секундага 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланган даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшом
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 1246

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жұма кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
1355 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 16.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририя компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ